O‘ZBEKISTON BUNYODKORI

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

№ 75 (628)
2022 йил 13 сентябрь, сешанба

uzbunyodkor
t.me/uzbunyodkor
info@uzbunyodkor.uz

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

ЎЗБЕКИСТОНДА ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИНИНГ САММИТИ БЎЛИБ ЎТАДИ

15-16 сентябрь кунлари Самарқанд шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг 22-мажлиси тадбирлари бўлиб ўтади.

Саммит ишида ШҲТга аъзо мамлакатлар – Покистон Ислом Республикаси, Россия Федерацияси, Тожикистон Республикаси, Хитой Халқ Республикаси, Ўзбекистон Республикаси, Қирғиз Республикаси, Қозоғистон Республикаси, Ҳиндистон Республикаси, шунингдек, ташкилот ҳузуридаги кузатувчи давлатлар – Беларусь Республикаси, Мўғулистон ва Эрон Ислом Республикаси етакчилари иштирок этади.

Фахрий меҳмон сифатида Туркия Республикаси, Озарбайжон Республикаси, Туркманистон ва Арманистон Республикаси, шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, бошқа нуфузли халқаро ва минтақавий ташкилотлар раҳбарлари таклиф этилган.

Самарқанд саммитининг кун тартибига мувофиқ кўп томонлама ҳамкорликни янада кенгайтиришнинг долзарб масалалари, ШҲТни ривожлантиришнинг амалий жиҳатлари ва устувор вазифалари кўриб чиқилади. Халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик масалалар юзасидан фикр алмашилади.

Якунда ташкилот фаолиятини кенгайтириш ва устувор соҳалардаги минтақавий ҳамкорликни чуқурлаштиришга қаратилган салмоқли ҳужжатлар тўпламининг имзоланиши кутилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, бўлажак мажлис ШҲТ етакчиларининг 2020 йилда коронавирус пандемияси бошланганидан сўнг охирги уч йилда биринчи юзма-юз учрашуви бўлади.

Шунингдек, саммит Ўзбекистон Республикасининг ШҲТдаги раислигига якун ясайди. Ўтган даврда 80 дан ортиқ йирик тадбир ўтказилган.

ЎзА.

ХХР РАИСИ ДАВЛАТ ТАШРИФИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА БЎЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин 14-16 сентябрь кунлари давлат ташрифи билан мамлакатимизда бўлади.

Ташриф дастурига мувофиқ Самарқанд шаҳрида олий даражадаги икки томонлама музокаралар бўлиб ўтади.

Учрашувда мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш, кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтириш масалалари кўриб чиқилади.

Ҳар доимгидек, ҳамкорликнинг амалий жиҳатлари, энг аввало, савдо, инвестициялар, саноат кооперацияси, энергетика, транспорт, инновациялар, “яшил” ва рақамли иқтисодиёт борасидаги қўшма лойиҳалар, соғлиқни сақлаш, таълим ва маданият соҳаларидаги дастурларни илгари суриш масалалари диққат марказида бўлади.

Ўзбекистон ва Хитой етакчилари кун тартибидаги халқаро ва минтақавий долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашадилар. Учрашув якунида Қўшма баёнот ва салмоқли келишувлар тўпламини имзолаш кўзда тутилган.

ХХР Раиси Си Цзиньпин 15-16 сентябрь кунлари Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлиси доирасидаги тадбирларда иштирок этади.

ЎзА.

РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ПРЕЗИДЕНТИ ТАШРИФ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА БЎЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин 15-16 сентябрь кунлари Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Самарқанд шаҳридаги саммити доирасида ташриф билан мамлакатимизда бўлади.

Ўзбекистон ва Россия етакчиларининг музокаралари кун тартибидан стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада мустаҳкамлаш, савдо-иқтисодий, инвестициявий ҳамда маданий-гуманитар ҳамкорликни кенгайтириш масалалари ўрин олган.

Алоҳида эътибор саноат кооперациясини кенгайтириш, ҳудудлар ва ишбилармонлар ўртасидаги алоқаларни фаоллаштириш, қўшма иқтисодий лойиҳалар ва гуманитар дастурларни илгари суришга қаратилади.

Шу билан бир қаторда давлат раҳбарлари халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан фикр алмашадилар.

Шунингдек, Президент Владимир Путин ШҲТ Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлиси тадбирларида иштирок этади.

ЎзА.

ЭРОН ПРЕЗИДЕНТИ РАСМИЙ ТАШРИФ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОНГА КЕЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Эрон Ислом Республикаси Президенти Иброҳим Раисий 14-16 сентябрь кунлари расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлади.

Олий даражадаги Ўзбекистон – Эрон музокаралари ва ташриф доирасидаги бошқа тадбирлар Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтади.

Икки мамлакат етакчилари кўп қиррали муносабатларни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш масалаларини кўриб чиқадилар, савдо, кооперация, инновациялар, транспорт, энергетика, туризм ва бошқа йўналишлардаги амалий ҳамкорликни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратадилар.

Учрашув якунида қатор қўшма ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилган.

15-16 сентябрь кунлари Президент Иброҳим Раисий ШҲТнинг Самарқанд саммити тадбирларида иштирок этади.

ЎзА.

САМАРҚАНДНИНГ БОЙ ТАРИХИЙ МЕРОСИ

ШҲТ саммити фонида янги тўлқинга эга бўлмоқда

Аброр ЮСУПОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақаларо тадқиқотлар институти бўлим бошлиғи, сиёсий фанлар доктори.

Ўзбекистон яна дунё ҳамжамияти нигоҳида бўлиб турибди. 15-16 сентябрь кунлари Самарқанд шаҳри йирик сиёсий халқаро тадбир – ШҲТнинг навбатдаги саммитига мезбонлик қилади.

Мазкур саммит ва умуман, ШҲТ фаолиятида Ўзбекистоннинг иштироки хусусида қуйидаги муҳим жиҳатларни кўрсатиш лозим.

Биринчидан, ШҲТ саммитининг айнан Самарқандда ўтказилиши чуқур рамзий маънога эга. Маълумки, Самарқанд ўрта асрлардаёқ илм-фан, таълим, санъат ва маданият ўчоғи, савдо-иқтисодий алоқаларнинг муҳим кесишган нуқтаси бўлган. Яна бир диққатга сазовор жиҳат. Самарқандда ўша даврда ўрта асрларга хос бўлмаган ноёб архитектура намуналари бунёд этилган. Шу билан бирга, ушбу шаҳар кўплаб тарихий жараёнлар, йирик ижтимоий-сиёсий жараёнларга гувоҳ бўлган. Айтиш мумкинки, Самарқанднинг бой тарихий мероси бугун ШҲТ саммити фонида янги тўлқинга эга бўлмоқда ва у ШҲТнинг асосий қадриятлари, тамойилларига тўла мос келади.

2001 йилда ЮНЕСКО томонидан Самарқанднинг бутунжаҳон мерос объекти ва маданият чорраҳаси дея эълон қилиниши ҳам мазкур шаҳарга бўлган юқори эътирофдир.

Бундан ташқари, АҚШнинг йирик оммабоп интернет нашрларидан бири бўлган “The Huffington Post” Самарқандни саёҳат учун бориш керак бўлган дунёнинг 50 та шаҳари қаторига киритган.

Иккинчидан, Самарқанд саммити ШҲТнинг учинчи ўн йилликка қадам қўйишини бошлаб бериши билан ҳам аҳамиятлидир. Маълумки, Ўзбекистон ушбу йирик ташкилотнинг асосчиларидан бири ҳисобланади. Ўтган тарихан қисқа вақт мобайнида ШҲТ глобал дунёда ўзининг “профили”ни очишга муваффақ бўлди. Ташкилот халқаро муносабатлар тизимида, жаҳон ҳамжамиятида ўзининг мустаҳкам ўрнига эга бўлди.

ШҲТ ташкил қилинган 2001 йилда кун тартибидаги асосий масалалардан бири хавфсизлик эди. Бугунги кунга келиб, ташкилот фаолиятида қамраб олинмаган бирон-бир вазифани топиш қийин. Бу сиёсат, иқтисодиёт, тиббиёт, транспорт, савдо, маданият, фан-таълим, маданий-гуманитар алоқалар ва ҳоказо. Бу ҳам бўлса ташкилот кўлами ва миқёси кундан-кунга ортиб бораётганидан далолат.

Рақамларга қарайдиган бўлсак, ШҲТга аъзо давлатлар ҳудуди 34 миллионн км. кв. Евроосиё ҳудудининг 60 фоизини ташкил қилади. Аъзо давлатларда дунё аҳолисининг деярли ярми (3,4 миллиард) истиқомат қилади. Умумий ЯММ ҳажми эса жаҳон иқтисодиётининг қарийб тўртдан бирини – 22 фоизни ташкил этади.

Энг муҳими, Ўзбекистон қандайдир периферияядаги давлат сифатида эмас, балки бу жараёнларнинг фаол иштирокчиси, ташаббускори сифатида гавдаланмоқда. Бунда шубҳасиз, Президент Шавкат Мирзиёевнинг ўрни беқиёс. Шу ўринда давлатимиз раҳбари ташкилотнинг 2020 йилдаги саммитидаги нутқида билдирган муҳим фикрни, таъбир жоиз бўлса, “чақирув”ни келтириб ўтиш лозим. Яъни, “агар ҳар биримиз кучли бўлсаккина ШҲТ ҳам кучли бўлади”.

ШҲТнинг амалдаги Бош котиби Чжан Мин фикрича, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ушбу фикри Ўзбекистоннинг ташкилотдаги фаолияти ва конструктив позициясини тўла очиб беради.

Учинчидан, сўнгги йилларда Ўзбекистон томонидан ташкилот доирасида кўплаб муҳим таклиф, ташаббуслар илгари сурилди. Шу ўринда мен муҳим бир жиҳатга эътибор қаратиш лозим, деб ҳисоблайман. Ўзбекистонда ШҲТга раислик қилган ўтган бир йил давомида катта кўламдаги ишлар амалга оширилди. Яъни, фақатгина Саммитни ўтказишга тайёргарлик билан чекланиб қолинмади. Бир йил давомида турли соҳа ва йўналишларда кўплаб учрашувлар ташкил қилинди. Бу фестиваллар, санъат ва маданият вакилларининг учрашувлари, туризм соҳасидаги тадбирлар, спорт мусобақалари ва яна қатор вазирлик ва идоралар раҳбарларининг учрашувларини ўз ичига олади. Бутун йил давомида “Шанхай руҳи” мамлакатимизда бўлди, десак муболаға бўлмайди.

Тўртинчидан, маълумки, Тошкентда ШҲТнинг муҳим 2 та бўғини, рамзий маънодаги қаноти бўлган – Минтақавий аксилтеррор тузилмаси ва Халқ дипломатияси маркази фаолият юритади. Бежизга бу иккала тузилмани муҳим демаяпман, сабаби, уларнинг фаолияти ўзаро тўлдирувчан ва узвий боғлиқ. Янада аниқроқ айтганда, хавфсизлик таъминланмаган жойда халқларнинг ўзаро ҳамкорлиги, алоқалари рисоладагидек бўлмайди. Ўз навбатида, халқлар ўзаро яқинлашса, маданий-гуманитар алоқалар ривожланса муайян маконда кескинлик ҳолати юзага келмайди. Шу нуқтаи назардан, мазкур тузилмаларнинг Ўзбекистонда жойлашганлиги мамлакатимизнинг ташкилотдаги ўрни ва нуфузи юқоридалигидан далолат беради.

Бешинчидан, Самарқанд саммитида биз ШҲТнинг тарихий жараёнларига гувоҳи бўлишимиз. Бу нафақат ташкилотнинг географик жиҳатдан кенгайиши билан боғлиқ, балки маданий-гуманитар, савдо-иқтисодий алоқаларнинг ривожланиши билан боғлиқ.

Умуман олганда, Самарқанд саммити ШҲТнинг тарихий солномасидан муҳим ўрин эгаллайди ва шубҳасиз, ташкилот фаолиятининг янги ривожланиш босқичига ўтиши учун асос бўлиб хизмат қилади.

ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ТАМОЙИЛИ

Наргиза МИРЁҚУБОВА,
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Президентимиз Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг навбатдан ташқари сессиясида иштирок этиб, ҳудуд ривожи учун долзарб бўлган муҳим вазифаларни белгилаб берди. Қорақалпоғистонда тадбиркорликни янада ривожлантириш учун алоҳида солиқ имтиёзлари ва молиявий кўмак чораларини кучайтириш, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, фермер ва деҳқонларни қўллаб-қувватлаш бўйича мутасаддиларга топшириқ берди. Шунингдек, Қорақалпоғистоннинг йўл транспорт ва коммунал инфратузилмасини яхшилаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Айтиш жоизки, давлатимиз раҳбарининг алоҳида эътибори ва ғамхўрлиги сабаб кейинги йилларда Қорақалпоғистонда катта янгиланишлар бўляпти. Нукус шаҳрининг “Жанабазар” МФЙда ҳам аҳоли турмуш даражасини янада яхшилаш мақсадида кенг кўламли қурилиш ва бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Ушбу маҳалла Нукус шаҳрининг ёнгинасида жойлашган бўлишига қарамай, йиллар давомида эътибордан четда қолганди. Бугун муаммолар ечим топди дея айта оламиз.

Давлатимиз раҳбарининг Қорақалпоғистонга эътибори маҳсули бу. Ҳар бир ташрифда, умуман кейинги 5 йилда Қорақалпоғистонда катта ўсишлар кузатиляпти. Айни шу маҳалла ҳам бунга бир исбот. Яқин-яқингача энг оғир ҳудуд ҳисобланган жойлар эди. Бир пайтлар кўчиб кетишни истаган одамлар бугун кўчиб келишга интиляпти. Асли, бугун ҳаммаси бадастир кўринса-да бундан 3-4 ой аввал “Жанабазар”га келган киши юргани йўл, ўтирганн жой топмасди десак муболаға бўлмайди. Нукус шаҳрининг чекка қисмида саҳро қумлари ўртасида бунёд этилган ушбу маҳаллада ўзига яраша муаммо ва қийинчиликлар бор эди. Қумлоқ кўчаларда ёз бўйи чанг-тўзон кўтарилса, ёмғиру қорларда лойда кечиларди.

Бугун ушбу маскан кўпнинг саъй-ҳаракати билан обод гўшага айланди. Йўллар текисланиб, асфальт ётқизиш ишлари амалга оширилди. Инфратузилма яратилди. Аҳолининг яшаш шароитларини яхшилаш йўлида туну кун меҳнат қилинди. Аввало, одамлар кўп азият чеккан йўлларни равон қилишга бел боғланди. 18 километрдан ортиқ йўлга қум-шағал аралашмаси ётқизилган бўлса, 3 километрга яқин йўл асфальт қилинди.

2-бет

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№75 (628) 2022 йил 13 сентябрь

ҚУРИЛИШ ВАЗИРЛИГИДА

Гўзал юртим иморатлари пойдеворининг эгаси

Райҳона ХЎЖАЕВА,
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги томонидан Тошкент архитектура-қурилиш институтида “Гўзал юртим иморатлари пойдеворининг эгаси” мавзусида қурилиш соҳаси малакали аёл вакилалари билан талаба-қизлар ўртасида давра суҳбати ўтказилди.

Давра суҳбатида вазирлик Марказий аппарати, Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси масъул ходимлари, институт ўқитувчи ва талаба қизлари иштирок этдилар. Тадбирни институт Хотин-қизлар масалалари бўйича ректор маслаҳатчиси, Кенгаш раиси Феруза Касимова кириш сўзи билан очиб, талабаларни янги ўқув йили билан табриклади.

Шундан сўнг, Қурилиш вазирлигининг Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси бошланғич ташкилоти раиси Гулшана Отабаева сўз олиб, бугунги кунда аёллар жамиятнинг барча соҳасида фаол эканлигини таъкидлади ҳамда бу соҳага эндигина кириб келаётган ёшларга келгусида ўз касбининг энг маҳоратли мутахассиси бўлиш лозимлигини уқтирди.

Давра суҳбатида талаба қизлар вазирлик Бош режаларни ишлаб чиқиш бўлими бошлиғи Зебунисо Юсуповадан малакали архитектор бўлиш, зафарга эришиш сирлари ва оилага масъулиятни ўрганишди. Котибият ходими Нигора Абдугафаровадан эса маънан етук, ҳурматга сазовор ходим бўлиш, аёл-қизларнинг жамоада ўзини рисоладагидек тутиши, устозларни ҳурмат қилиш каби тавсияларни тинглашди. Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси Кадрлар билан ишлаш бўлими бошлиғи, инспекция Хотин-қизлар Кенгаши раиси Гулбаҳор Мирзаеванинг касб машаққатлари, қандай ходим қадрли ҳисобланади, ишга қабул қилишда нималарга эътибор қаратиш кераклиги каби мавзулардаги фикрлари ҳам барчада катта қизиқиш уйғотди.

Давра суҳбати савол-жавоблар, фикр-мулоҳазалар алмашинуви ва муҳокамалар билан қизиқарли ўтди.

Вазир ўринбосари Булунғур туманида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 декабрдаги “Янги Ўзбекистон” массивларини қуриш ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонига мувофиқ юртимизнинг барча ҳудудларида ана шу массивларни қуриш ишлари авж паллага кирган.

Қурилиш вазирининг биринчи ўринбосари Давронжон Адилов Булунғур туманида бўлиб, туман ҳокими, вилоятдаги соҳа масъуллари билан Олмазор маҳалласида бунёд этилаётган “Янги Ўзбекистон” массивидаги қурилиш жараёнларини кўздан кечирди. Ҳудудда амалга оширилаётган ишлар муҳокама қилиниб, келгусидаги вазифалар келишиб олинди.

“Дадажоним ва онажоним ҳисса қўшган қурилиш” мавзусида расмлар танлови

Қурилиш вазирлигида оилага эътибор ғояларини кенг тарғиб қилиш, оила институтини мустаҳкамлаш бўйича давлат сиёсатини амалга оширишга кўмаклашиш мақсадида вазирлик ходимларининг фарзандлари ўртасида “Дадажоним ва онажоним ҳисса қўшган қурилиш” мавзусида расмлар танлови ўтказилди.

Ушбу танловда беғубор қалб эгаларининг ўй-фикрлари, орзулари, тафаккурлари қоғозларда акс этди. Тинчлик, табиат, осмонўпар бинолар, ҳайвонот ва ўсимликлар олами каби мавзуларда бир-биридан таъсирли образларни тасвирлаган болажонлар “ижод маҳсуллари”да бир олам софлик ва гўзаллик мавжуд.

Вазирлик томонидан анъанавий ўтказиладиган ушбу тадбирда эртамиз эгаларига ажойиб совғалар улашилди.

Ҳудудлардаги масъул мутахассислар учун ўқув-семинар

Қурилиш вазирлигида соҳа ходимларининг тажрибаси ва билимини ошириш мақсадида ўқув-семинар ташкил этилди.

Унда вазир ўринбосари Шукруллобек Жаҳонгиров қурилиш соҳаси ходимларининг тажрибаси ва билимини ошириш бўйича онлайн тарзда ҳудудлардаги масъул мутахассисларга тушунтириш бериб ўтди.

Семинар қизғин муҳокама ва савол-жавобларга бой бўлди.

ТАФСИЛОТЛАР, ЯНГИ РЕЖАЛАР ВА ЛОЙИҲАЛАРГА БОЙ ҲАФТАЛИК

Азамиддин ҚЎЛДАШЕВ,
Қурилиш вазирлиги
Таълим, илм-фан ва инновацион фаолиятни мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи.

Мамлакатимизда инновацияга йўналтирилган иқтисодиётни шакллантиришга ва инновацияларни кенг жорий этиш учун шарт-шароитлар яратишга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Республикани инновацион ва илмий-техник ривожлантириш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширувчи орган – Инновацион ривожлантириш вазирлиги фаолият юритаётгани, унинг ҳузурида Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси шакллантирилганлиги мазкур йўналишдаги муҳим босқичлардан бири бўлди.

Давлатимиз раҳбари томонидан илмий тадқиқотлар билан ишлаб чиқариш тармоқлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг самарали механизмларини йўлга қўйиш мақсадида кўпгина ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 майдаги “Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–3698-сонли қарори билан инновация фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш механизмларини тубдан такомиллаштириш, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни янада самарали жорий этиш учун шарт-шароитлар яратиш вазифалари белгиланди. 2020 йилнинг 27 ноябридаги “Ўзбекистон Республикаси қурилиш тармоғини модернизация қилиш, жадал ва инновацион ривожлантиришнинг 2021 – 2025 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ–6119-сон Фармони билан қурилиш тармоғини модернизация қилиш, жадал ва инновацион ривожлантириш стратегиясини амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси” ҳамда “Мақсадли кўрсаткичлар” белгилаб берилди.

Ушбу вазифаларни амалга ошириш ҳамда соҳани инновацион ривожлантириш мақсадида бугунги кунда Инновацион ривожлантириш вазирлиги ва Қурилиш вазирлиги, шунингдек, уларнинг таркибидаги ташкилотлар ўртасида тизимли вазифалар белгиланиб, амалий ишлар олиб борилмоқда.

Жорий йилнинг 5-9 сентябрь кунлари пойтахтимизда ўтказилган “Қурилиш соҳасида инновацион технологиялар ҳафталиги” ҳам ушбу ҳамкорликнинг бир кўриниши бўлиб, кўргазма ишида импорт ўрнини босувчи ёнғинга чидамли бўлган маҳаллий маҳсулотлар, саноат чиқиндиларини қайта ишлаш йўли билан олинган янги қурилиш материаллари, ҳудудларнинг янги инновацион ландшафт ва дизайн ечимлари каби лойиҳалар таклиф этилди. Бу лойиҳалардан амалиётда фойдаланиш қурилиш соҳаси ривожи учун салмоқли ҳисса қўшишини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Ҳафталикда вазирлик тизимидаги иккита олий таълим муассасаси – Тошкент архитектура-қурилиш ва Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтлари вакиллари ҳам ўзларининг инновацион лойиҳалари билан фаол қатнашдилар. Хусусан, ТАҚИ ва СамДАҚИдан умумий ўнта илмий лойиҳа тақдимоти намойиш этилди.

Унда Тошкент архитектура-қурилиш институти олимлари томонидан намойиш этилган “Кўп қаватли турар жой бинолари учун энергосамарадор ва ишончли ўз-ўзини тартибга солувчи фаол элементли қуёш иссиқ сув таъминоти тизими” мавзусидаги лойиҳа кўргазма иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди. Ушбу лойиҳа натижасида кўп қаватли турар жой бинолари учун энергосамарадор, ишончли ва ўз-ўзини тартибга солувчи фаол элементли қуёш иссиқ сув таъминоти тизимининг техник ечимлари яратилади ва лаборатория шароитида тажрибавий намунаси синовлардан ўтказилади. Анъанавий ўз-ўзини дренаж қиладиган гелиоконтурларга нисбатан иссиқлик ташувчисини циркуляция қилиш учун сарфланадиган энергия миқдорини 65-80 фоизгача камайтиришга имкон берадиган гелиоконтурлар, самарадорлиги 15-20 фоизгача оширилган фаол элементли бир секцияли ўз-ўзини тартибга солувчи иссиқлик аккумуляторларнинг конструкциялари, истеъмолга олинадиган иссиқ сувнинг доимий ҳароратини таъминлайдиган ва уларнинг фойдаланишга тайёргарлигини 1,5-2 соатга ошираднган ўз-ўзини тартибга солувчи насосли гелиоконтурнинг конструкциялари ҳамда янги қуёш иссиқлик сув таъминоти тизимларини муҳандислик ҳисоблаш усуллари ишлаб чиқилади.

Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти олимлари томонидан намойиш этилган “Тошкент-Самарқанд йўналишидаги “Афросиёб” тез юрар поезди темир йўли ёқасининг инновацион ландшафт ва дизайни ечимини ишлаб чиқиш” мавзусидаги лойиҳа ҳам қизғин баҳс-мунозаралар билан муҳокама қилинди. Лойиҳада узунлиги 300 километрга яқин Тошкент – Самарқанд йўналиши “Афросиёб” тез юрар поезди темир йўли ёқаси ҳудудлари учун инновацион ландшафт ва дизайн ечимларини излаб топиш, тадқиқ қилиш ва таклифлар беришдан иборатдир. Ишлаб чиқилиши режалаштирилган ушбу ечимлар нафақат нозик сайёҳлар дидига мос келиши, балки замонавий умумэстетик талабларга ҳам жавоб бериши кўзда тутилган. Шу билан бирга, уларда Ўзбекистонга хос миллийлик хусусиятлари ҳамда қадриятларнинг ифода эттирилиши ҳам кўзда тутилган.

Қурилиш соҳасида янги технологияларни жорий қилиш ва инновацион маҳсулотларни ишлаб чиқариш мақсадида илмий тадқиқотчилар, етук олимлар ҳамда қурилиш ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш мақсадида ушбу инновацион технологиялар ҳафталигининг ўтказилганлиги мазкур соҳада олиб борилаётган илмий тадқиқотлар ва инновацион ишланмаларни рағбатлантириш ҳамда юқори тижорат салоҳиятига эга ва амалга оширишга тайёр бўлган истиқболли лойиҳаларни танлаб олиш учун катта имконият яратади.

ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ТАМОЙИЛИ

1-бет

Ҳудудда амалга оширилган ишларни бирин-кетин айтадиган бўлсак, рақамлар қуйидагича кўриниш олди: 16,1 километрга электр тармоқлари тортилиб, 437 та таянч устунлар, марказий кўчаларга 350 дона тунги ёритиш чироқлари ўрнатилди. 2,3 километр ичимлик суви қувури тортилиб, 42,8 километр газ тармоғи тартибга келтирилди. Бу рақамларнинг ортидан қанчадан-қанча меҳнат турганлигини англаш мушкул эмас.

Жанабазар маҳалласининг биргина кўчаси эътибор марказида бўлиб, қолганлари эътибордан четда қолиб кетмади. 10 минг 200 дан ортиқ аҳоли истиқомат қилаётган маҳалланинг 40 та кўчаси ободликка юз тутди. Хуллас, маҳалладаги бирорта хонадон йўқки, ўзгаришлардан бебаҳра қолган бўлса.

– Ҳеч тасаввур қилмагандик, бундай бўлишини, – деди Гулчеҳра Султонова. – Кўчаларимиз ёруғ. Болаларимиз мактабларга озода йўллардан юриб бориб келишяпти. Аввалари, аҳвол жуда ёмон, ҳаммаёқ қум, лой эди. Ҳозир мана тераклар экилди, уйларимиз томларига шиферлар ўрнатилди. Ҳамманинг кайфияти яхши. Марказдан сира фарқи йўқ. Президентимизга раҳмат. Мустақиллигимизнинг 31 йиллиги арафасида бу бизга катта совға бўлди. Маҳаллада камолга етаётган келажак авлоднинг руҳи ва тани соғлом бўлиши учун ҳам чоралар кўрилди. Улар маърифатига қувват бўлсин, дея мўъжаз кутубхона ташкил этилди. Маърифат зиёси таралиб турган ушбу масканда Ажиниёз ва Ҳазрат Навоий, Иброҳим Юсупов ва Абдулла Орипов билан ғойибона кўришишгандек бўламиз.

Маҳаллада амалга оширилган ҳайрли ишлардан яна бири – ёшларнинг спорт билан шуғулланишлари учун етарлича шароит яратилди. 2 та футбол, 1 та волейбол, 1 та баскетбол, 1 та шахмат, 2 та воркоут, 5 та болалар майдончаси қурилди.

– Шу маҳаллада туғилиб, катта бўлдик. Бизнинг маҳалламиз кундан кунга ривожланиб бормоқда, – деди Жанабазар маҳалласи Ёшлар етакчиси Саламат Кудияров. – Бу йил бизнинг маҳалламиз учун тарихий йил бўлди. Бундан 10-15 кун аввал бу ерга келган одам бугунги Жанабазарни ҳозир танимайди. Спорт тадбирларини ўтказишга қийналар эдик. Ҳозир эса болаларни спортга ва спорт тадбирларига жалб этиш учун ҳеч қандай чекловлар йўқ. Маҳалламизда болалар майдончалари қурилди. Шундай катта эътибор учун ҳурматли Президентимизга ёшлар номидан чексиз миннатдорчилик билдираман.

Аёлни рози қилиш, уни бахт сари етаклаш Янги Ўзбекистонни ўз олдига қўйган аъмолларининг энг устувори. Ўз ишига эга аёл эса рўзғорига наф келтириши баробарида жамиятда ўз ўрни борлигини ҳис қилади. Шу сабаб маҳаллада аёлларни ишли қилишга алоҳида эътибор қаратилди. Оилавий тикувчилик цехи очилиб, ишсиз аёллар жалб қилинди.

– Болалигимдан тикувчи қиз бўламан деган армоним бор эди, – деди оилавий корхона раҳбари Гулнур Сарсенбоева, – Бугун армоним сароб бўлмади. Ҳаракат қилдим, Президентимизнинг меҳри тушиб ишларимиз юришиб кетди. Аввалари корхонамизда ишлаётган аёллар уй бекалари эди, ҳеч бири ишламасди. Ҳозир эса бу ерда уларни ўқитиб, тикувчилик сирларини ўргатяпмиз. Шунча қизларимизни ишлик қилишга шароит яратилгани учун ташаккур билдираман.

Маҳаллада барчаси инновацон ечимлар асосида бунёд қилинди. Шу пайтга қадар қақраб ётган ерларга ниҳоллар экилиб, томчилатиб суғориш йўлга қўйилди. Жанабазарликлар яхшиликни биладиган одамлар. Ижобий ўзгаришлардан маҳалла аҳли рози ва миннатдор. Ушбу саъй-ҳаракатлар замирида инсон қадрини улуғлаш тамойили ётганини бугун барчаси юракдан ҳис қилишмоқда.

Чўлқуварларнинг остонасига сув келди

Ислом ИБОДУЛЛА,
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Қўшработ тумани ҳақида гап кетганда қақроқ чўл ҳудудлари-ю, битмас-тугамас ерости бойликлари кўз ўнгимизга келади. Бундай табиий оқова сувдан ҳоли ҳудудларда яшаётганлар ўлкамизда кам эмас. Аҳамиятлиси шундаки, амалга оширилаётган тадбирлар натижасида мазкур ҳудудлардаги чўлқуварларга сув етиб бормоқда. Жумладан, Самарқанд вилоятининг узоқ Қўшработ тумани аҳолиси ҳам жорий ишлардан бебаҳра қолмаяпти.

Ватан – муқаддас. Буни ватандан айро яшаганлар яхши билади. Бугун Жиззах вилоятининг бир қанча туманларида асл қўшработликлар яшайди. Уларнинг ҳикояси қизиқ. Сўрасангиз шундай дейишади: “Самарқанд вилоятининг Қўшработ тумани дашт-чўл ҳудуддан иборат. Бизнинг ота-боболаримиз ўша даштларда кун кечиришган. Ўтган асрда бир гуруҳ аҳоли серҳосил, унумдор ер, оқова сув илинжида Жиззах вилоятига кўчиб ўтади”. Қизиғи, эндиликда Қўшработнинг тоғу тошдан иборат қишлоқларида яшаётган кишиларнинг кўп йиллик мушкулотлари бартараф этилмоқда.

Самарқанд вилояти аҳолисининг ичимлик сув таъминотини яхшилаш ва оқова тармоқлари қуришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва ислоҳотлар самарадорлигини ўрганиш натижаларида аниқланган муаммо ва камчиликларни бартараф этиш бўйича тузилган “Йўл харита”си доирасида “Самарқанд сув таъминоти” МЧЖ кўплаб ижобий ҳаракатлар олиб бормоқда. Айтиш керакки, ҳозирда вилоят аҳолисининг 65,6 фоизи марказлашган ичимлик суви билан таъминланган. 167 та маҳалла аҳолиси муқобил манбалар сувидан фойдаланади.

Ҳозирда вилоятдаги 1747 та сув иншоотидан 683 таси, 1 992 та сув қудуғидан 693 таси таъмирталаб аҳволга келиб қолган. “Йўл харитаси”га кўра, 5 553 километр сув тармоқларининг 960 километри, 461 километр оқова тармоғидан 31 километри таъмирланиб, 1 та оқова сув тозалаш иншооти янгиланиши лозим. Эски, техник хизмат муддати ўтган иншоот ва тармоқларни таъмирлаш ҳамда узоқ ҳудудларни ичимлик сув билан таъминлаш босқичма-босқич давлат дастурлари, маҳаллий бюджет ва бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

Қўшработ вилоятдаги энг оғир ҳудудлардан биридир. Эндиликда замонамизнинг илғор лойиҳалари асосида амалга оширилаётган ишлар Қўшработ аҳолисининг ҳам жонига ора кирмоқда. Мазкур ҳудудларда янги артезиан қудуқлари ва сув миноралари қурилиб, ичимлик сувига эҳтиёжманд аҳолининг талаблари тўла қондирилиши кўзда тутилаяпти. Жумладан, Қўшработ туманининг узоқ даштларида қўним топган қишлоқларга тоза ичимлик суви тармоқлари тортилмоқда. Ўтган даврларда “Самарқанд сув таъминоти” МЧЖ мутахассислари ва тегишли корхоналар кўмагида туманнинг Янгиқишлоқ, Янги Ҳаёт, Қорачоқия, Тумшуқли, Урганжи дашт қишлоқларида Саудия ривожлантириш фондининг кредит маблағлари ҳисобидан ичимлик суви ўтказиш лойиҳалари қизғин олиб борилди. Мутасаддилар ишни сифатли бажариш, ичимлик суви билан таъминлашда ҳудудлардаги барча аҳолини қамраб олиш таклифини илгари сурмоқда.

Халқимизда сувга нисбатан ижобий қадриятлар шаклланган. Олис ҳудудларни сув билан таъминлаш эса, амалда қадриятларнинг амалий давоми бўлмоқда. Энг муҳими олис қишлоқлардаги чўлқуварларнинг остонасига сув кириб бормоқда.

Тармоқ ташкилотларида тантаналар давом этмоқда

Истиқлол тантаналари арафасида Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгашининг тармоқ ташкилотларида ҳам бир қатор тадбирлар ўтказилди.

Хусусан, “Кварц” акциядорлик жамиятида байрам муносабати билан корхона цех ва бўлимлари ўртасида корхона биринчилиги учун спортнинг волейбол, мини-футбол, стол тенниси, шахмат, шашка, дартс, бильярд турлари бўйича мусобақалар ўтказилди. Мусобақада кўплаб жамоалар ва спортчилар иштирок этишди.

Шу муносабат билан мусобақа ғолиб ва иштирокчиларини тақдирлаш маросими ўтказилди. Тадбирда иштирок этган “Кварц” АЖ бошқаруви раиси Акмал Бўриев, Касаба уюшма қўмитаси раиси Баҳодир Ҳасановлар қатнашчиларни қизғин муборакбод этиб, ғолибларни диплом ва қимматбаҳо совғалар ҳамда кўчма кубоклар билан тақдирлашди.

Шунингдек, Қувасой шаҳар “Дўстлик” мажмуасида ҳам “Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз” шиори остида катта байрам тадбири ўтказилди. Тадбирга корхонада узоқ йиллардан буён самарали меҳнат қилиб келаётган ишчи-ходимлар, 2022 йилда нафақага чиққан пенсионерлар таклиф қилинди. Унда иштирок этган Қувасой шаҳар ҳокими Зафар Тўрақулов ҳамда “Кварц” АЖ бошқаруви раиси А. Бўриев сўзга чиқиб, йиғилганларни байрам билан табриклашди ва 25 нафар пенсионер ҳамда 38 нафар фаол ишчи ва ходимларга корхона номидан совғалар топширишди.

Бу каби тантаналар Янги Ўзбекистонни бунёд этишда йўлларни равон, манзилларни кун сайин обод ва фаровон қилишда астойдил меҳнат қилиб келаётган Андижон вилояти Автомобиль йўллари бош бошқармаси томонидан тизимдаги йўл ходимлари учун ҳам ташкил қилинди. Тадбир давомида турли хил танловлар ўтказилиб, ғолиблар қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирланишди.

Ўз мухбиримиз.

АНДИЖОНДА ОБОД МАҲАЛЛАЛАР КЎПАЙМОҚДА

Зиё СИРОЖ,
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Мамлакатимизда инсон қадри, унинг манфаати йўлида амалга оширилаётган ишлар таҳсинга лойиқ. Бу борадаги ишларнинг кўлами “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” давлат дастурлари доирасида янада ортди. Биргина Андижон вилояти қамровидаги 32 та маҳаллада умумий қиймати 370 миллиард сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилиб, 16 та марказий кўчалар намунали кўринишга келтирилди.

Пахтаобод тумани қўшни Қирғизистон билан чегарадош. Бу ерда олиб борилаётган ислоҳотлар, ташкил этилаётган янги иш ўринлари, ободонлаштириш жараёнлари иқтисодий шаклланиш билан бир қаторда, аҳоли турмуш шароитини яхшилашга хизмат қилмоқда. Ана шундай ишлардан, айниқса, дурдиёрликлар ниҳоятда мамнун. Эндиликда “Обод қишлоқ” давлат дастурининг ижросини таъминлаш доирасида манзилда кенг кўламдаги ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, йўлларни таъмирлаш, газ ва электр таъминотини яхшилаш, мактаб, мактабгача таълим ташкилоти ва қишлоқ врачлик пункти фаолиятини шакллантириш, бир сўз билан айтганда, муаммоларни тез фурсатларда бартараф этиш юзасидан амалий ҳаракатлар бошланди. Бунинг натижасида маҳалладаги 650 та хонадонда истиқомат қилувчи 3 минг нафардан зиёд аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати яхшиланади.

Шу кунгача маҳалладаги яроқсиз электр симлари, симёғочлар янгиланди. 150 болакайга мўлжалланган мактабгача таълим ташкилоти замонавий кўринишда қайта тикланди. Қишлоқ врачлик пункти ўз фаолиятини мукаммал таъмирланган бинода давом эттира бошлади. Шунингдек, ҳаракатлар давомида 100 иш ўрнига эга трикотаж цехининг қурилиши орқали эҳтиёжманд оилаларни доимий даромадга йўналтириш кўзда тутилган.

Дурдиёр маҳалласида аҳолини қийнаб келаётган муаммолардан бири тоза ичимлик суви таъминоти билан боғлиқ бўлиб, истеъмолчилар шу давргача таъминотнинг муқобил турларидан фойдаланиб келганлар, – деди “Андижон сув таъминоти” МЧЖ директори Шуҳратбек Матмусаев. – Вилоят ҳокимининг маҳалла аҳли билан юзма-юз мулоқоти чоғида, энг аввало, ичимлик суви таъминотини яхшилаш лозимлигига алоҳида эътибор қаратди.

Бу каби ободонлаштириш ишлари Шаҳрихон туманидаги Юзлар маҳалласида ҳам кенг қулоч ёйган. 847 та хонадонни ўз бағрига олган ушбу манзилда 5 минг нафар аҳоли истиқомат қилмоқда. Уларнинг бугунги кунидан миннатдор бўлиб яшаши учун маҳалла инфратузилмасини қайта қуриш муҳим вазифалардан бирига айланганди.

– Шу маҳаллада 70 йилдан буён истиқомат қилаётган бўлсам, сўнгги 35-40 йил давомида раҳбарлар иштирокида оммавий учрашув бўлганлигини сира эслай олмайман, – деди меҳнат фахрийси Абдураҳмон ота Исоқов. – Шу боис Андижон вилояти ҳокимининг маҳалламизга ташрифи биз учун кутилмаган воқеа бўлди. Қувонарлиси, бу шунчаки учрашув бўлмади, шу куннинг ўзида амалий ишларга киришилди. Тез орада кўчаларимиз бунёдкорлик манзилига айланди. Эски уйларни таъмирлаш, йўлларни созлаш, электр, табиий газ таъминотини яхшилаш чоралари кўрила бошланди. Яна ҳам муҳими, оилаларни даромадга йўналтириш бўйича мақтаса арзигулик ишларга киришилди.

Бугун Андижон вилоятининг қай бир ҳудудида бўлманг, шу каби саъй-ҳаракатларнинг гувоҳи бўласиз. Бу ташаббуслар бевосита халқимиз кўз ўнгида, уларнинг иштирокида амалга оширилиши эртанги кунга бўлган умид ва ишончни янада мустаҳкамлайди.

ХАЛҚАРО САВДО МАРКАЗЛАРИ НЕГА КЕРАК?

Ислом ИБОДУЛЛА,
Эркин ҲОЖИМУҲАММАД,
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбирлари.

Бозор – иқтисодиётнинг ажралмас бўлаги. Ҳар бир давлатнинг ривожланиши бозор шароитлари билан ўлчанади. Ўзбекистонда сўнгги йилларнинг ислоҳотлари шундай бозор кўринишларининг пайдо бўлишига замин ҳозирлади. Мамлакатимиздаги мавжуд иқтисодий ўсиш ортида нафақат ички бозорлар, балки халқаро аҳамиятдаги савдо-сотиқ марказлари қурилиб, логистик товар алмашинувлари бошланди. Натижада анъанавий бозор шароитлари ўрнида замонавий типдаги бозор шакллари пайдо бўлмоқда. Бизга нега халқаро логистика марказлари керак? Албатта, бу савол миллий ислоҳотларнинг самараси билан ўзаро боғлиқ бўлса ажаб эмас.

РИВОЖЛАНИШ ҚАНДАЙ БЎЛАДИ?

Биз одатда бозорларни тиқилинч, сершовқин ва гавжуд ташқи шамойили билан тасаввур этамиз. Аммо ҳозир вазият анчайин ўзгарди. Эндиликда бозорлар ихчам, қулай майдонларда ташкил этилмоқда. Жумладан, кўп йиллардан бери аниқ бир тартибга олинмаган қурилиш материаллари бозорларида ҳам сезиларли янгиланишлар рўй берди.

– Кўп йиллардан бери бозорда иш олиб бораман, – деди қурилиш материаллари сотувчиси Султон Менглиев. – Авваллари пойтахтнинг тўрт ёнида мавжуд қурилиш материалларининг бозорлари тартибланмаган, гигиеник талабларга мос эмас эди. Ҳозирги кунга келиб, ҳолат бутунлай ўзгарди. Бир пайтлар маҳсулотларни кўча бўйларига чиқариб, савдо қилар эдик. Бу, албатта, қайсидир маънода сотувчиларга фойда келтирса-да харидорлар учун ноқулайликлар туғдирарди. Дўкон ва расталар одатда кичик, материалларни сақлаш учун етарлича омборлар мавжуд эмасди.

Ҳақиқатан ҳам ривожланиш фақат молиявий унсурлар билан боғлиқ эмас. У оддий тор кўчалардан тортиб, йирик турар жойларнинг ташқи ободонлигида ҳам кўриниши керак. Жумладан, атроф-муҳит тартиботи, сифатли хизмат кўрсатиш тармоқлари ва эркин иқтисодий ҳаракатланиш бу унсурларнинг тамалидир. Қулай бозор кўринишлари буларнинг орасида энг асосийларидан биридир. Негаки, ривожланиб бораётган соҳалар учун қулай товар алмашув платформалари бевосита двигатель вазифасини бажаради. Қурилиш ва қурилиш материаллари бозорлари бу борада асосий ўрин тутади. Албатта, сўнгги йилларда мазкур бозор кўринишларининг шамойили буткул ўзгарди. Бу эса ўлкамизда қурилиш жараёнларининг ривожланганлиги ортида намоён бўлмоқда.

ҚУРИЛИШ – АСОСИЙ “ДРАЙВЕР”

Бу саволнинг жавоби оддий бўлса керак? Негаки, илгари шаҳарларимиз сокин ва нисбатан зерикарлироқ кўринарди. Биз учун йирик қурилишлар ва замонавий шаҳар муҳити зарур эди. Айнан шу ерда яқин-яқиндан миллий ривожланишда қурилиш асосий ўринга чиқди. Инвестицион шароитда йирик иншоот ва турар жойлар лойиҳалаштирилди. Қурилишлар кескин кўпайди. Натижада соҳада қурилиш ишларини олиб борувчи ва қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар, миллионлаб иш ўринлари ташкил этилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан қабул қилинган ўтган 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ва унга мувофиқ қабул қилинган Давлат дастурларида ҳам мамлакат иқтисодиётини янада жадал ривожлантириш учун иқтисодиётнинг локомотиви сифатида қурилиш соҳасига алоҳида урғу берилган.

Шунингдек, қурилиш тармоғининг миллий иқтисодиёт таркибида улуши ҳам йилдан-йилга ошиб бормоқда. Биргина 2017 йилда қурилиш тармоғининг ЯИМ таркибидаги улуши 5,7 фоизни ташкил этган бўлса, уч йил ичида ёки ўтган 2020 йилда ушбу кўрсаткич 7,0 фоизга етган. 2021 йил 1 январь ҳолатига кўра, қурилиш соҳасида корхона ва ташкилотлар сони 41,0 мингтани ташкил этиб, 2017 йилга нисбатан 1,7 баробар ёки 17,1 минг бирликка ошган. Бугун иқтисодиёт тармоқларида фаолият олиб бораётганларнинг асосий қисми қурилиш соҳасига тўғри келмоқда.

Аслида мамлакатимизнинг иқтисодий ривожланишга қаратилган ислоҳотларида қурилиш соҳаси асосий “драйвер” сифатида танланганини билиш учун мазкур рақамларга эҳтиёж сезилмайди. Шунчаки, атрофимиздаги йирик қурилиш жараёнлари бунга мисол бўла олади. Равон йўллар, осмонўпар бинолар ва кўп сонли турар жой мажмуалар амалда қанчалик ўзгараётганимизга ишорадир. Албатта, бу вазиятда энг асосий ишлардан бири соҳа ривожини таъминлаш учун қулай бозор шароитларини шакллантириш пировард мақсад бўлиб қолмоқда.

ЛОГИСТИК ТАШУВЛАР ВА БОЖХОНАГА ЭГА МАРКАЗ

Маълумотларга кўра, ўтган 2021 йилда жами 24,2 триллион сўмлик қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқарилган. 2022 йилнинг ўтган даврида 268,0 миллион АҚШ долларилик тайёр қурилиш материаллари импорт қилинган бўлиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 97 фоизни ташкил этиб, 276,1 миллион АҚШ долларига ошган.

Албатта, қисқа вақт ичида Ўзбекистон йирик қурилишлар ортида нафақат импорт қилувчи давлатга, балки сифатли қурилиш материаллари ишлаб чиқариш тармоғига эга сотувчи ҳудудга айланди. Бугун импорт қурилиш материаллари билан параллел кўп сонли қурилиш материаллари экспортига эҳтиёж сезилмоқда. Мамлакатимизда халқаро қурилиш материаллари ташувлари, логистик ҳаракатларнинг тадрижи анчайин ривожланди. Бу Ўрта Осиё минтақаси учун айнан Ўзбекистонда ўтиш йўлакларини барпо этишни талаб этмоқда. Мазкур жараёнлар замирида узоқ вилоятларда, жумладан, Тошкент шаҳри ҳудудида йирик маҳсулот тўпловчи улгуржи бозорлар қурилмоқда. Жумладан, Тошкент шаҳрини республикамизнинг ғарбий вилоятлари билан боғловчи қисмида юқоридаги каби бозор типлари қурилди. “Ark buloq”, “Index”, “Erkin” халқаро савдо мажмуалари шундай бозор шароитлари билан таъминлаган.

Жумладан, “Ark buloq” халқаро савдо маркази Ўзбекистон ва яқин хориж мамлакатлари билан тижорат юритиш учун қурилаётган Халқаро ишлаб чиқариш, савдо ва логистика маркази вазифасини бажаради. Объектда халқаро савдо учун замонавий платформалар, маҳсулотларни сақлаш учун катта омборхоналар, логистика маркази ва божхона пункти мавжуд.

– Савдо марказимиз нафақат халқаро савдо, балки Ўзбекистон, Осиё ва Европа мамлакатларига маҳсулотларни жўнатиш ҳамда сотиш имконини берувчи комплекс логистика тизимига эга, – деди марказ бошқарувчиси Шоҳиста Менгтўраева. – Мазкур тизим Хитойдан тўғридан-тўғри маҳсулотларни олиб келиш хизматига эга. Шунингдек, савдо маркази ҳудудидаги божхона пости – барча тадбиркорлар учун маҳсулотларини экспорт ва импорт қилишда қулайликлар туғдиради. Мамлакатимизда ишлаб чиқариш салмоғи ортиб бораётган шундай даврда логистика, божхона ва сифатли хизмат кўрсатиш тармоқларига эга мазкур типдаги бозор-марказлар ишбилармонлар учун енгиллик беради.

Қурилиши давом этаётган уч босқичдан иборат мазкур марказнинг биринчи босқичи бинолари да халқаро қурилиш материаллари савдо қисмлари ўрин олган бўлиб, мазкур бўлимдаги сотув дўконлари хорижий ишлаб чиқарувчилар учун аҳамиятли бўлмоқда. Умумий 32 гектар майдонда жойлашган дўкон ва омборхоналар 27 блокка ажратилган бўлиб, марказ ҳар қандай турдаги халқаро хизматларни амалга оширади.

БИЗГА ОНЛАЙН ПЛАТМОРМАЛАР КЕРАКМИ?

Хорижда халқаро савдо ва логистика марказларининг аҳамияти юқори. Чунки бу амалда бутун бошли бир тадбиркорлик сифатида кўрилади. Ўзбекистонда ривожланиш босқичидаги бундай типдаги бозор кўринишларининг хизмат категориялари, албатта, катта қамровга эга. Шундай қамровлардан бири халқаро карго – почта тизимларидир. Бугунги кунда дунёнинг Туркия, Хитой ва Европа иттифоқи каби давлатлари қуруқликда ўзларининг улкан карго-почта тизимларига эга. Ўзбекистонда ҳам бундай кўринишдаги халқаро логистика кўринишлари амалда мавжуд. Аммо бу борада чекланган хизматларга эгамиз ёки карго ташувларида маълум давлатлар билан чегараланамиз.

Хорижий давлатларда логистика ва халқаро ташувлар асосан ўзининг онлайн платформаларига эга. Маҳсулотларни бевосита мазкур платформалар орқали сотиш, сотиб олиш ва карго ёки логистик ташув хизматларидан фойдаланиш мумкин бўлади. Хусусан, Ўзбекистоннинг асосий савдо ҳамкорлари бўлган Хитой, Туркия каби давлатларда бу борада етарлича ҳаракатлар амалга оширилган бўлиб, карго-почта тизимида ишлайдиган фирмалар, мазкур ташув жараёнларида сотувчи ва харидор ўртасида воситачиликни амалга оширадиган онлайн платформалар хизматларидан фойдаланишади.

Саноат ва ишлаб чиқариш ривожланиб бораётган мамлакатимизнинг ишбилармон қатлами учун амалий кўринишдаги халқаро савдо марказлари қатори интерактив онлайн бозорларни ташкил этиш талабга айланиб бормоқда. Шунингдек, почта алмашинувлари учун юқори савияли хизмат кўрсатиш тизимига эга фирмалар ташкил этишда ишбилармонларга енгилликлар бериш иқтисодий ҳаракатланишни тезлаштиради.

ПРИГЛАШЕНИЕ К УЧАСТИЮ В ТОРГАХ

Страна: Республика Узбекистан.
Проект: Модернизация сельского хозяйства Республики Узбекистан.
№ кредита: 6549-UZB
Название контракта: Реконструкция здания Самаркандского областного регионального центра AKIS в МФЙ “Дахбед” Акдарьинского района Самаркандской области.
Номер для ссылки (в соответствии с планом закупок): AMP/C1/CW/05.

1. Республика Узбекистан получила финансирование от Всемирного банка на покрытие расходов в рамках **проекта “Модернизация сельского хозяйства Республики Узбекистан”**, и намеревается использовать часть средств на осуществление платежей в рамках контракта **AMP/C1/CW/05 – “Реконструкция здания Самаркандского областного регионального центра AKIS в МСГ “Дахбед” Акдарьинского района Самаркандской области”.**

2. **Международный центр стратегического развития и исследований в сфере продовольствия и сельского хозяйства при Министерстве сельского хозяйства (ISCAD) Республики Узбекистан** приглашает к подаче запечатанных конкурсных предложений от правомочных участников торгов по выполнению проекта **“Реконструкция здания Самаркандского областного регионального центра AKIS в МСГ “Дахбед” Акдарьинского района Самаркандской области”.**

3. **Конкурсные торги будут проводиться по процедурам национальных конкурсных торгов в соответствии с Руководством Всемирного банка:** Правила закупок для заёмщиков. Закупки в рамках финансирования инвестиционных проектов. Товары, работы неконсультационные и консультационные услуги. Июль 2016 г. (“Руководство по закупкам”), и открыты для всех правомочных участников торгов в соответствии с тем, что определено в “Руководстве по закупкам”. Кроме того, просьба обращаться к параграфу 3.14 где изложена политика Всемирного банка в отношении конфликта интересов.

4. Заинтересованные правомочные участники торгов могут получить дальнейшую информацию и получить электронную версию документации для торгов при подаче письменной заявки по указанному ниже адресу.

5. Конкурсные предложения должны подаваться в срок не позднее **16.00 ч. 10 октября 2022 г.** Электронные торги не разрешаются. Опоздавшие конкурсные предложения будут отклонены. Конкурсные предложения будут вскрыты публично в присутствии назначенных представителей участников торгов, желающих присутствовать, по адресу, указанному ниже.

6. Все конкурсные предложения должны сопровождаться “Залоговым обеспечением конкурсного предложения” в форме банковской гарантии на сумму **300,0 млн сум** и гарантийной декларацией в установленной форме.

7. **Адреса, упомянутые выше:** Международный центр стратегического развития и исследований в сфере продовольствия и сельского хозяйства при Министерстве сельского хозяйства.

Кому: Алишеру Шукурову, директору.
Адрес: ул. Лабзак, д. 1“А”.
Этаж/ номер комнаты: 1-этаж, комната ГРП “Модернизация сельского хозяйства Республики Узбекистан”.
Город: Ташкент.
Почтовый индекс: 100128.
Страна: Узбекистан.
Телефон/факс: (99871) 241-33-30.
Адрес электронной почты: amcp@rra.uz

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№75 (628) 2022 йил 13 сентябрь

100 МИНГ ЎРИНЛИ ЁТОҚХОНА ҚУРИЛИШИ БЕЛГИЛАНДИ

Райҳона ХЎЖАЕВА,
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Ҳар йили сентябрь ойида такрорланадиган муаммолардан бири бу албатта, талабалар учун турар жойларнинг танқислигидир. Ўтган йили олий таълим муассасаларига қабул квоталарининг ошиб кетиши сабабли талабалар ётоқхоналарининг етишмаслиги муаммоси юзага келганидан хабарингиз бор. Афсуски, муаммо бу йил ҳам давом этмоқда.

Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг талабаларни турар жой билан таъминлаш, ижара ва тўлов-контракт масалалари юзасидан олиб борилаётган ишлар таҳлилига бағишланган матбуот анжуманида бу ҳақда батафсил маълумот берилди. Унда вазир Абдуқодир Тошқулов, масъуллар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Матбуот анжуманида қайд этилганидек, бугунги кунда олий таълим муассасалари сони 2016 йилдаги 77 тадан 177 тага, шунга мос равишда талабалар контингенти 5 бараварга ошиб, 200 мингдан 1 миллионга етди. Ҳозирда 113 та давлат олийгоҳининг биргина кундузги таълим шаклида илгариги 80-100 минг талаба ўрнига 500 мингдан ортиқ талаба таълим оляпти. Айнан шундай катта ўзгаришлар натижасида халқимизнинг хоҳиш иродасига мувофиқ, ёшларимизнинг олий таълим олиш билан боғлиқ эҳтиёжи ижобий ҳал этилди. Ўз навбатида бундай ўсиш кўрсаткичлари талабаларни ётоқхонага бўлган эҳтиёжини ҳам бир неча баробарга ошириб юборди.

Айни пайтда олий ўқув юртларининг 92 тасида ётоқхона қуввати 91 451 ўринни ташкил этади. Янги ўқув йилида 211,1 минг нафар талаба турар жойга эҳтиёжи борлигини маълум қилди. Бу дегани, бугунги кунда мавжуд ётоқ ўринлари 120 минг талабага етмайди. Лекин барча, ҳатто ижарада туришга имкони бор талабалар ҳам нисбатан арзон ва қулай ётоқхоналарга жойлашишни исташади.

Матбуот анжуманида билдирилдики, бугунги кунда мавжуд 91 451 ётоқ ўрнининг 61 907 тасига (67 фоизи) талабалар низом асосида жойлаштирилди. Келиб тушган 119 299 та аризалар бўйича эса 80 505 нафар талаба хонадонларга жойлаштирилиб, ишлар бугунги кунда ҳам жадаллик билан давом этмоқда.

Айни дамда вазирлик ҳамда ҳар бир олий ўқув юртида талабаларни ётоқхоналар ва ижара уйларига жойлаштиришга кўмаклашувчи махсус штаблар фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, кунлик жараён назорат қилиб борилмоқда. Комиссиялар томонидан аризалар қабул қилиниб, белгиланган мезонлар асосида кўриб чиқилмоқда. Бунда энг аввало, чин етим, боқувчисини йўқотган, кам таъминланган, “Темир дафтари”га киритилган, I ёки II гуруҳ ногиронлари, сурункали касаллик билан даволанадиган, хориждан келиб ўқиётган, оиласида 2 ёки ундан ортиқ фарзанд контрактда ўқиётган ҳамда 1 курс талабаларига устуворлик бериш тартибига қатъий риоя қилинади.

Давлат раҳбарининг алоҳида қарорига кўра, 2022 – 2025 йиллар давомида қўшимча 100 минг ўринли ётоқхона қурилиши белгиланди ва бунинг учун қарийб 5 трлн сўм маблағ ажратилиши кўзда тутилган.

Анжуманда сўнги 5 йилда ётоқ ўринлари сони қарийб икки бараварга ошиб, талабалар турар жойлари қуввати 91,4 минг ўринга ва ётоқхоналар сони 257 тага етказилгани таъкидланди. Мисол учун, 2021 йилнинг ўзида қўшимча 32,1 минг турар жой ўрни яратилди ва ётоқхонага бўлган эҳтиёжнинг 41 фоизи таъминланди. Бундан ташқари, 2022 йилда давлат-хусусий шериклик лойиҳалари, олийгоҳ ва бюджет маблағлари ҳисоби ҳамда инвестиция дастури доирасида 30 956 ўринли 60 та лойиҳа амалга оширилаётгани тилга олинди. Лекин талабалар контингентининг кескин ўсиб бориши шароитида янги ётоқхоналарнинг қурилиши ва ишга туширилиши ҳам муаммони тўлиқ ҳал этмайди. Масъуллар томонидан давлат раҳбари қарори билан ижара уйларида яшашга тўғри келадиган талабаларга ижара тўловининг 50 фозини тўлаб бериш тартиби жорий этилгани ҳақида маълумот берилди.

Бундан ташқари, вазирлик томонидан ijara.edu.uz электрон платформаси яратилиб, унга ҳар бир ҳудуд бўйича ижара уйларининг маълумотлар базаси шакллантирилгани, ижара уйларининг манзили, нархи, уй эгасининг телефон рақами кабилар ушбу платформага жойлаштирилгани, тюторлар зиммасига талаба учун ижара уйини топиб бериш мажбурияти юклангани ҳам кўрилаётган чоралардан ҳисобланади.

Вазирлик Ахборот хизматининг хабар беришича, ётоқхона билан қамраб олинмаган ва ўзига, шу жумладан, ота-онасига тегишли бўлмаган уйда ижара ҳуқуқи асосида яшайдиган давлат олий таълим муассасалари талабаларининг 60 фоизига улар томонидан тўланадиган ойлик ижара тўловининг 50 фоизи Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қоплаб берилиши белгиланган. Шу мақсадда, давлат олий таълим муассасалари талабаларига ижара тўловлари учун 2022 йилда 120,4 млрд сўм маблағ ажратилган ҳамда ушбу ажратилган маблағлар ҳисобидан жорий йилнинг январь-июль ойларида 23 585 нафар талабага 15,6 млрд сўм маблағлар тўлаб берилган.

Муаммоларни ечиш учун Солиқ кодексига тегишли ўзгартириш киритилиб, 2022 йил 1 январдан фуқароларнинг уй-жойларини талабаларга ижарага беришдан олинган даромадларига солиқ солинмаслиги белгилаб қўйилди.

ТАРИХИЙ ҚАДАМЖОЛАР

ШОҲИ ЗИНДА – табаррук зиёратгоҳ

Ҳамза ШУКУРОВ,
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Ўзбекистонимизда буюк шахслар, олиму-алломалар, муҳаддису-муфассирлар номи билан боғлиқ қўплаб қадамжолар, табаррук зиёратгоҳлар мавжуд. Улар орасида энг улуғ зот Қусам ибн Аббос (розияллоҳу анҳумо)дир. Тарихий-меъморчилик обидаси эса шубҳасиз Қусам ибн Аббос қўним топган жой Шоҳи Зинда ҳисобланади. Бу улуғ инсон Пайғамбаримиз авлодидан бўлиб, исмлари ва насаблари ҳақида Нажмуддин Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ан-Насафий ўзларининг “Ал-қанд фи зикри уламои Самарқанд” (“Самарқанд уламолари ҳақида қанддек ширин китоб”) асарида келтириб ўтган.

Қусам ибн Аббос Пайғамбаримизга ҳам ота, ҳам она томондан қариндош. У кишининг туғилган йиллари ҳақида тарихчи олимларнинг турли фикрлари мавжуд. Баъзилар Пайғамбаримиз вафот этганларида у саккиз ёшда бўлган, дейишади. Масалан, тарихчи Абу Тоҳирхўжа Самарқандий “Самария” асарида “Бир ривоятга кўра, ҳазрати Қусам ҳазрати Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг вафотлари вақтида саккиз ёш эдилар”, дея таъриф берган.

– Али (розияллоҳу анҳу) шаҳид бўлганларидан сўнг Муовия ибн Абу-Сўфиён замонида унинг буйруғи билан Хуросон ҳокимлигига тайинланган уруш бошлиқларидан Саъид ибн Усмон ибн Аффон кетидан Мовароуннаҳрга келди, – деди Шоҳи Зинда масжиди имом хатиби Самариддин Мирзаев. – Саъид ибн Усмон ибн Аффон яраш йўлида Самарқандни олиб халқни мусулмон қилди. Динни кучайтирмоқ ва шариат ҳукмларини юргузмоқ нияти билан Қусамни бир неча ислом қўшини билан Самарқандда қолдирди. Унинг бош вазифаси Суғд диёрида исломни тарғиб қилиш эди, бу эса осонликча кечмади. Қадим Мовароуннаҳр халқи зардуштийлик, оташпарастлик динига эътиқод қиларди. Унинг коҳин ва афсунгарлари ўз динлари руҳиятига исломни эркин сингиб боришига йўл қўймадилар. Улар маҳаллий халқларни арабларга қарши фаол курашга чорлади. Ислом қаршиликларни тобора енгиб бориб ўлканинг ичкари қисмини ишғол қила бошлади. Лекин милодий 677 йил ғайри динлар шаҳарга ҳужум қилади. Самарқанд шаҳрининг Намозгоҳида Қусам жон чиқарига ўқ тегиб шаҳид бўлди ва қутлуғ гавдасини Бону-Ножия қабристонида ғор ёнига қўмишди. Кенг тарқалган бошқа бир ривоятда Саид ибн Усмон Қусам ибн Аббос билан биргаликда Усрушонани фатҳ этмоқ учун йўл олишиб, Сийракасга етишганда ул ерда бир неча кун тўхтаб дам олишади. Шу ерда жангларнинг бирида Қусам ибн Аббос шаҳид бўлади. Саид ибн Усмон ва лашкарлар у кишига жаноза ўқиб, майит солинган тобутни шаҳарга жўнатишади.

Шу зайл асрлар ўтиб Қусам ибн Аббоснинг қабрлари тепасига мақбара, чиллахона, атрофида масжид ва хоналар қурилиб, Шоҳи Зинда зиёратгоҳининг ичида алоҳида Қусам ибн Аббос мажмуаси ҳосил бўлди.

Гўрхонанинг асосий биноси мақбара билан бир вақтда (XI асрда) қурилган бўлиб, девор орасида ўймакор пилакчалар териб панжара ўрнатилган. XIV асрнинг 80-йилларида Қусам ибн Аббос қабри устига янги сағана ўрнатилиб, у Темур даври сопол кошинлари билан нақшинкор безакда ишланди. Қабрнинг 2-, 3-поғоналарида Қуръони каримнинг “Оли Имрон” сурасидан 169-171 оятлар битилган. Яъни, “Оллоҳ йўлида ўлдирилганларни асло ўликлар деб ҳисобламанг! Аслида (улар) тирик – Парвардигорлари ҳузурида (жаннат неъматларидан) ризқланиб турурлар, (мазкур қатл этилган шаҳидлар) Аллоҳ ўз фазли билан ато этган нарса (неъматлар)дан хушнуд, ортларида (тирик) қолиб, ҳали уларга қўшилмаган (ғозийлар)га (Қиёматда) хавф ва ташвиш бўлмаслиги ҳақида башорат берган ҳолда (яшайди)”. Қусам ибн Аббоснинг вафот этган саналари ҳижрийда 57, милодийда 676 йил, деб қабр устида ёзув сақланган. Меъморчилик мажмуасида бундан ташқари ҳам кўплаб мақбаралар ўрин олганини таъкидлаш жоиз.

Афросиёб жанубидаги кенг қабристон ўртасида ястанган Шоҳи Зинда аслида XI-XII асрларда қад ростлай бошлаган. XIV асргача у кўплаб тарихий воқеаларнинг гувоҳи бўлган. Шу даврдан эътиборан Шоҳи Зинданинг Амир Темур номи билан боғлиқлик томони бошланган. Улуғ Амир, Мирзо Улуғбек пайтида бу ерда қурилиш ривожланган. Айни пайтда сақланиб қолинган асосий иншоотлар ҳам ўша вақтда тикланган. Бир қисм ёдгорликлар эса XVIII асрда қайта қурилган. Тарихчиларнинг ёзишича, соҳибқирон у муқаддас жой бўлиши учун мудом эътиборни қаратган. Унинг бир неча нафар яқин кишилари, онаси Ширинбек оға, Туркон оға кабиларнинг қабрлари ўрин олган. Қизиғи шундаки, Темурнинг Самарқандга келгандан кейин илк бунёдкорлик иши 1372 йил Шоҳи Зиндада ўз аксини топган. Бобокалонимиз 1399 йил Ҳиндга юришидан сўнг Шоҳи Зиндадаги хонақоҳга қўнгани тўғрисида аниқ маълумотлар бор. Бу Темурнинг муқаддас қадамжога тез-тез келиб туришидан далолат беради. Соҳибқирон даврида Шоҳи Зиндада чиройли масжид ва мақбаралар бунёд этилгани, жумладан, Қусам ибн Аббос қабри устига ҳам Ўрта Осиёда энг ажойиб ва энг жозибали қабртош ўрнатилгани фикримизга далилдир.

Мажмуанинг барча хоналари сўнгги таъмир давомида асл ҳолатида усталар томонидан қайта таъмирланди, кишиларни ҳайратга солувчи нақш ва безаклар давомий деворларни тўлдириб, халқимизнинг буюк санъат намуналарини дунё халқларига гўзал ҳолатда намоён этмоқда. Биринчи Президентимиз Ислом Каримов, вилоят раҳбарлари, мутасадди ташкилотлар ҳамда мажмуа ишчи-ходимлари бу олижаноб ишда жонбозлик кўрсатиб, ёдгорлик умрига, ёшига ва кўринишига чирой бағишлашга муносиб хизмат қилишди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йилдаги “Шоҳи Зинда ёдгорлик мажмуасида қайта тиклаш ва ободонлаштириш ишларини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори чиқиши билан мажмуада қайта таъмирлаш, нодир ёдгорликлар безакларини мустаҳкамлаш ва унинг атрофида ободонлаштириш ишларини олиб бориш учун шароит яратилди. Таъмир жараёнида археологик, этнографик тарихий изланишлар олиб борилиб, ҳар бир ёдгорликнинг ҳолати ўрганилди ва мутахассислар маслаҳатлари асосида таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Юқоридаги қарордан халқимиз, жамоат ташкилотлари, сайёҳлар хурсанд бўлган ҳолатда ҳар бири ўзининг баҳоли қудрат кўмагини берди. Шу туфайли бўлса керак, юз йиллар аввал қурилган меъморий мажмуада уч йил ичида ақл бовар қилмас даражада таъмирлаш ишлари қилинди.

Мақбарадаги арабий ҳуснихатда битилган ҳаттотий услубдаги ёзувлар етук олимларимиз мусулмонлар диний идораси раҳбарлигида ҳадис ва Қуръон оятлари тарихий ёзувлар, манбалар асосида қайта ёзилди. Бу ишда Самарқанд ва Бухоро мадрасаси ҳаттот мударрислари илмий жиҳатдан кўп масалаларнинг ечимига ўз ҳиссаларини қўшишди. Бетакрор санъат усули масжид ва мақбаралар ҳуснига янада чирой бағишлади. Муҳими, ёдгорликни асраб-авайлаб сақлаш бўйича ишлар бирор дақиқа ҳам тўхтамаётир. Бу эса ёшларимизни буюк тарих, ўтмишимизни ўрганишда ҳаёт мактаби бўлиб хизмат қилиш билан бирга, юртимизга ташриф буюраётган сайёҳлар учун муқаддас зиёратгоҳга айланишига имкон яратмоқда.

ҚАШҚАДАРЁДАН ДАРАКЛАР

Ипак қайта ишланади

Шуҳрат НОРМУРОДОВ,
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Касбида ипак хомашёсини қайта ишловчи янги корхона ишга туширилди.

Мазкур йирик корхона йилига 115 тонна маҳсулотни қайта ишлашга мўлжалланган бўлиб, 72 тонна пиллани қайта ишлаш линияси, 24 тонна хом ипак ва 18,4 тонна ипак момиғи ишлаб чиқариш қувватига эга.

Умумий қиймати 1,5 миллион доллар миқдоридаги корхонада 100 нафар маҳаллий аҳоли доимий иш билан таъминланди. Айтиш керакки, йилига 1,3 миллион долларлик маҳсулотлар

Хитой, Вьетнам ва Ҳиндистон каби давлатларга экспорт қилиниши мўлжалланмоқда.

Мини-стадионга эга илк мактаб

Кўкдала қишлоғида мини-футбол майдончасига эга дастлабки мактаб фойдаланишга топширилди.

Шунингдек, “Дўстлик” МФЙ ҳудудидаги 2-ўрта таълим мактаби учун 3 ой ичида 240 ўринга мўлжалланган замонавий бино фойдаланишга топширилди.

Шу муносабат билан бўлиб ўтган очилиш маросимида мутасаддилар ва кенг жамоатчилик иштирок этиб, ҳудуд аҳолисини ушбу шодиёна билан мубораксбод этишди.

Китобда ўзгаришлар палласи

Китоб туманидаги “Дўстлик” кичик саноат зонасида жойлашган “Monofeets group” МЧЖ корхонаси томонидан пластик панеллар ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхона иш бошлади.

Корхона қиймати 5,5 миллиард сўмни ташкил этиб, 240 минг долларлик Хитой технологиялари билан жиҳозланган. Йилига 220 минг квадрат метр пластик панеллар ишлаб чиқариш қувватига эга. Мазкур лойиҳа натижасида 25 нафар маҳаллий аҳоли иш билан таъминланди.

ТУҒИЛГАН КУНИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

Сентябрь ойининг шу ҳафтасида таваллуд айёмларини нишонлаётган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги Қурилиш соҳасида давлат харидларини методологик таъминлаш ва мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи **Элмурод Ниязматов,** техник ходим **Гулчеҳра Ташматова,** Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси Архитектура, лойиҳалаш ва бош режаларга риоя қилиш устидан назорат бўлими бош мутахассиси **Бобур Файзиев.**

Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси етакчи инспектори **Комекбай Уббиев,**

Бухоро вилояти Қурилиш бош бошқармаси ҳайдовчиси **Шахобидин Манонов,**

Наманган вилояти Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси Буюртмачилар билан ишлаш бўлими бошлиғи Нурилло Мухиддинов, етакчи мутахассис **Улуғбек Халилов,** Қурилиш-синов лабораторияси ва бино-иншоотларнинг техник ҳолатини ўрганиш бўлими лаборанти **Дилмурод Юсупов,**

Сирдарё вилояти, Боёвут тумани қурилиш бўлими аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича архитектор **Шавкат Холбоев,** Янгиер шаҳар Қурилиш бўлими бошлиғи **Атхам Карабаев,**

Тошкент вилояти, Тошкент тумани қурилиш бўлими бошлиғи – туман бош архитектори **Нодиржон Бозорбоев**ларни таваллуд куни билан чин дилдан мубораксбод этамиз.

Уларга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, оилавий хотиржамлик, мустаҳкам соғлиқ тилаймиз!

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA
O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Батир Закиров
(Таҳрир ҳайъати раиси),
Козим Туляганов,
Эркин Искандаров,
Ботир Зарипов,
Юлдаш Магрупов,
Жамшид Исмаилов,
Ғолибжон Маджидов,
Қудратбек Хошимбеков.

ТАҲРИРИЯТ:

Бош муҳаррир **Дилшод Жалолов**

Бош муҳаррир ўринбосари **Абдусами Ҳақбердиев**

Саҳифаловчи **Акмал Махкамов**

Мусаҳҳиҳ **Марҳамат Мусулмонқулова**

Газета «Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.

«ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРИ» НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ МУАССИСЛАРИ:

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси, «ЎзГАШКЛИТИ» ДУК, «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК, «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ, «ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК.

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

100011, Тошкент шаҳри,
Абай кўчаси, 6-уй.
Телефонлар:
71-244-21-71 (қабулхона),
71-244-15-13 (котибият),
71-244-22-10 (бухгалтерия),
71-244-05-15 (реклама ва обуна бўлими).
E-mail: uzbunyodkori@umail.uz

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:

Қорақалпоғистон Республикаси: 90-590-37-15.
Андижон вилояти: 93-410-15-18.
Бухоро вилояти: 99-705-50-15
Жиззах вилояти: 99-525-30-05.
Навоий вилояти: 99-731-17-40.
Наманган вилояти: 90-553-02-34.
Самарқанд вилояти: 95-560-30-45.
Сурхондарё вилояти: 91-981-61-63.
Фарғона вилояти: 90-230-85-23, 90-163-63-82.
Қашқадарё вилояти: 99-503-43-39.
Хоразм вилояти: 97-459-74-85.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466.
Буюртма – Г-943.
1858 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилган. Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762.
Таҳririятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета таҳririят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

КОРХОНА МАНЗИЛИ:

Тошкент шаҳри,
«Буюк Турон» кўчаси, 41.

Навбатчи муҳаррир – А. Ҳақбердиев.

Навбатчи – Ислом Ибодулла.

ЎзА якуни – 21.30.
Топширилди – 22.10.

1 2 3 4 5 6